

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 8 сентябрь, № 195 (8257)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ЭЛЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 сентябрь куни мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Америка Қўшма Штатларининг Фавкулда ва мухтор элчиси Дэниел Розенблумни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Дэниел Розенблумнинг Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларини ривожлантиришдаги ҳиссасини қайд этди.

Кейинги йилларда конструктив сиёсий мулоқот йўлга қўйилди. Биргаликдаги сайёҳатлар билан ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Ўзаро савдо ҳамжи ошмоқда, АҚШнинг етакчи компаниялари иштирокида қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида икки томонлама дастурлар жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил август ойида қабул қилинган Фармонида мувофиқ америкалик дипломат мамлакатимизнинг юксак давлат мукофоти — “Дўстлик” орденига сазовор бўлди.

АҚШ элчиси унинг фаолиятига берилган юқори баҳо учун самимий миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик мустаҳкамлашини бундан буён ҳам фаол қўллаб-қувватлашда давом этишини таъкидлади.

Ў.А.



ТАДБИРКОРЛИК —

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ВА ФАРОВОН ҲАЁТ КАФОЛАТИ

Халқимиз ҳаётида тадбиркорлик азалдан муҳим ўрин тутиб, асрлар давомида унинг ўзига хос анъаналари асраб-авайланган, бундай фазилатга эга инсонлар ҳамisha қадрланган.

Таҳлил

Буни биринчи соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг “Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шжоотли бир киши, мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир”, деган фикри ҳам яққол тасдиқлайди.

Таъкидлаш жоизки, бу борада ота-боболардан мерос анъаналар кейинги беш йилда замонавий мезонлар асосида жадал ривожлантирилмоқда. Айни жараёнда юртимизда тадбиркорликка

кенг йўл очилиб, бугун ўз бизнесини йўлга қўйган, оиласи, эл-юрт фаровонлиги, иқтисодий ривожини йўлида хизмат қилаётган ҳамюртларимиз сафи тўбора кенгайиб бормоқда.

Ҳаётбахш ислохотлар самараси — аҳоли ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга қизиқиш тўбора ортиб бораётган. Ўз навбатида, қулай ишбилармонлик муҳити, хорижий инвестор-

лар учун яратилаётган имтиёз ва имкониятлар янги-янги истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда муҳим омил бўляпти.

Ютуқлар бардавомлигини таъминлаш учун эса бу соҳа ривожига қаратилаётган эътибор ва рағбатни изчил давом эттириш ҳамда мавжуд тўсиқ ва ғовларни тўлиқ бартараф қилиш зарур.



Сенат Кенгашида



НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИС ҚАЧОН ЎТКАЗИЛИШИ АНИҚ БЎЛДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлисида Олий Мажлис Сенатининг ўттиз иккинчи ялпи мажлисини 2022 йил 13 сентябрь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қайд этилганидек, навбатдаги ялпи мажлисда бир қатор масалалар муҳокама қилиниши режалаштирилган.

Сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ўринбосари тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилади.

Шу билан бирга, ялпи мажлисда қатор қонунлар муҳокама қилинади. “Электрон тижорат тўғрисида”ги, “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлар ҳам кўрилади.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йил 1 ярим йиллиги ижроси юзасидан Вазиirlар

Маҳкамасининг ҳисоботини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг 2022 йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти тўғрисидаги ахборотини эшитиш режалаштирилган.

Фарғона вилоятининг Учкўприк, Ўзбекистон, Данғара, Қўштепа, Тошлоқ, Фарғона туманлари ва Қўқон, Марғилон ва Фарғона шаҳарлари чегараларини ўзгартириш ҳамда Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани ва Наманган шаҳри Давлатобод туманининг ҳамда Наманган шаҳрининг чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилади.

Шунингдек, сенаторлар Бобўвот, Қарши, Олот, Бўстон ва Тўрақўрғон туманлари ҳамда Каттақўрғон шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида белгиланган чора-тадбирлар ижросини ўрганиш натижаларини муҳокама қилади.

Ялпи мажлисда давлат органлари ва ташкилотлари тизимида 2022 йилнинг биринчи ярмида мурожаатлар билан ишлаш ҳолатини кўриб чиқиш ҳам назарда тутилган.

Тадбир якунида Сенат Кенгашининг тегишли қарорини қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимизда дипломатик миссиясини якунлаётган Фавкулда ва мухтор элчиси Дэниел Розенблумни қабул қилди.

Учрашув

Учрашув чоғида икки томонлама ҳамкорлик, шу жумладан, АҚШ Конгресси Сенати ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўртасидаги муносабат-

ларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Маълумки, Д. Розенблум Ўзбекистон Республикаси давлат мустақил-

лигининг 31 йиллиги арафасида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фармонида мувофиқ, “Дўстлик” ордени билан тақдирланган эди. Сенат Раиси элчини ушбу юксак мукофот билан табриклади.

Сўхбат давомида элчининг юртимиздаги фаолияти сермаҳсул бўлгани ҳамда унинг Ўзбекистон — Америка стратегик шериклик муносабатларини ривожлантиришга қўшган ҳис-

саси алоҳида эътироф этилди.

Ўз навбатида, Д. Розенблум дипломатик фаолиятини амалга оширишда барча даражада, хусусан, парламент билан самарали ҳамкорлик учун ўз миннатдорлигини билдириб, бундан кейин ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни маълум қилди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯГА СОДИҚЛИгини ЯНА БИР БОР ТАСДИҚЛАДИ

Жорий йилнинг 31 август — 1 сентябрь кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бола ҳуқуқлари бўйича кўмитасининг 91-сессияси доирасида БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси қоидаларининг бажарилиши бўйича Ўзбекистоннинг Бешинчи даврий маърузаси кўриб чиқилди.

Эътироф

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (БҲҚ) 1989 йил 20 ноябрь куни қабул қилинган бўлиб, дунёнинг 196 мамлақати унинг қатнашчилари ҳисобланади. Ўзбекистон ушбу ҳужжатга 1992 йил 9 декабрь куни қўшилган.

Ўзбекистоннинг БҲҚ қоидаларини

ни бажариши бўйича Биринчи миллий маърузаси 2001 йил октябр ойида, иккинчиси 2006 йилнинг майида, учинчи ва тўртинчи қўшма маърузалар 2013 йилнинг май ойида кўриб чиқилган.

Бола ҳуқуқлари бўйича кўмита конвенция қоидаларининг барча

иштирокчи давлатлар томонидан бажарилишини кузатиб боради. Унинг аъзолари 18 нафар мустақил экспертдан иборат бўлиб, улар ўз ишларини шахсий ҳолисликда амалга оширади, яъни ўз ҳуқуқларининг вакили сифатида фаолият кўрсатмайди.

Ўзбекистон делегацияси таркибидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Олий суд, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси вакиллари жой олди.



Биз ва жаҳон

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ГЛОБАЛ САЙЁҲЛИК ФОРУМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норов бошчилигидаги делегация Брюссель шаҳрида “Европа етакчилари саммити — 2022” глобал сайёҳлик форумида иштирок этди.

Тадбирда Бутунжаҳон сайёҳлик форуми институти бош котиби Толиб Рифойи, мазкур муассаса президенти Булут Бағчи, Европа парламенти депутатлари, дунёнинг етакчи сийосатчилари, туризм соҳаси, авиация органлари ва транспорт компаниялари вакиллари қатнашди.

Форум давомида туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш, соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, халқаро миқёсда мамлакатлар имижини тарғиб қилиш ва қўллаб-қувватлаш, чет элда миллий сайёҳлик брендини ривожлантириш мақсадида илғор билим ва кўникмаларни жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон делегацияси “Инвестициялар, ўзаро боғлиқлик ва меҳмондўстлик” мавзусида маъруза билан сўзга чиқиб, мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти, миллий иқтисодий-

нинг стратегик тармоқларидан бири бўлган туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар ҳақида маълумотларни тақдим қилди.

Ўзбекистон маданий мероси ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланган лавҳалар намойиш этилди.

Форум иштирокчилари Ўзбекистонда туризм жабаҳасини ривожлантириш, мамлакатнинг бу борадаги салоҳиятини ошириш, уни жаҳон сайёҳлик марказларидан бирига айлантириш юзасидан амалга оширилаётган сайёҳлик тарғиб лари юқори баҳолади.

Тадбир иштирокчилари 2023 йилда Хива ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтадиган “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” туризм форуми ҳамда Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилати Бош Ассамблеясининг 25-сессиясига таклиф этилди.

«Дунё» АА. Брюссель.

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ

ТАЪЛИМ, ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАРГА АСОСЛАНАДИ

Президентимиз Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида амалга ошириладиган ишлар ҳақида тўхталар экан, биринчи навбатда, таълим соҳасида фарзандларимиз замонавий билим ва кўникмаларни пухта эгаллашлари учун энг қулай шароитларни яратиш изчил давом эттирилишини таъкидлади.

Нуқтаи назар

Бугун нафақат халқ таълими, балки олий таълим тизимида ҳам кенг қўламли ўзгаришлар юз бермоқда. Мазкур янгиланишлар олий ўқув юртига хуж-

жат қабул қилиш жараёнидаёқ яққол намён бўлади. Яъни бир пайтлар таълим даргоҳига ўқишга кириш учун биттагина университетга хужжат топшири-

лар эди. Ҳозирги абитуриент 5 тагача университетни танлаш имкониятига эга. Барча жараён рақамлаштирилган. Бундан 3-4 йил олдин абитуриентларнинг хужжатларини қабул қилиш учун ҳар хил ташкилотлардан турли маълумотномалар сўралган. Ҳозирги кунда қўллаб-қувватлаш электрон тарзда тегишли ташкилотлардан олинади.

Президентимиз томонидан амалга оширилган ислохотлар боис соҳа тараққиёти янги босқичга кўтарилди. Жумладан, институт ва университет-

ларга қабул жараёнида очиклик ва шаффофликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун билими бор абитуриент ўқишга қиряпти. Давлатимиз раҳбари тизимни тартибга солиб, халқнинг дуосини олди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда ёшларимизнинг таълим олишлари учун кенг имконият ва зарур шароитлар яратилмоқда. Тизим муассасаларида 800 мингга яқин талабаларга 33 мингдан ортиқ профессор-ўқитувчилар таълим бермоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, навқирон авлод вакиллари олий таълим муассасасига кириш учун 20 дан ортиқ имтиёзлар берилган бўлиб, уларнинг кўпи давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади. Талабаларга ҳам турли имтиёз ва имкониятлар яратилган. Жумладан, олийгоҳда тахсил оладиган талабалар учун тўлов-шартнома миқдорини ўқув йили давомида тенг улушларда тўртга бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилди.



ИСТИҚЛОЛ ТУФАЙЛИ МЕХНАТКАШ ХАЛҚИМИЗ БИЛАН БИРГА ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАМОҚДАМИЗ

Мустақиллини улугъ неъмат сифатида беҳад ардоқлаймиз, эъозлаймиз. Зеро, истиқлол туфайли халқимиз эркин ва озод ҳаётга эга бўлди, миллий қадриятларимиз, тилимиз ва динимиз ўзимизга қайтди. Айни чоғда жаҳон ичра ўз ўрнини топиш, меҳнаткаш халқимиз билан бирга янги марралар сари дадил одимламоқдамиз.



Мушоҳада

Шу боис айни кунларда Мустақиллик байрамини халқимиз билан бирга “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз”, деган улғувор ғоя асосида кенг нишонланганди. Негаки, унинг замирида Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган халқароварлик сиёсати мўжассам. Қолаверса, шу азиз Ватанда тўтаётган тинч ҳаётимиз, фаровон турмушимизнинг қадрига етишдек улугъ мақсад ўз ифодасини топган.

Дарҳақиқат, охириги йилларда юртимизнинг ҳар бир ҳудуди кун сайн янгилашиб, кўркам қиёфага кириб бормоқда. Энг муҳими, эриш-шаётган ютуқ ва муваффақиятларимиз замирида жамиятимиздаги осойишталик ва тотувлик ҳал этувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Айтиш жоизки, янги Ўзбекистонда бошланган кенг кўламли ислохотлар кон-металлургия санаятининг энг йирик корхонаси бўлган комбинатимизга ҳам янгилашни нафасини олиб кирди. Комбинатни янада ривожлантириш, ил-дор корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш, рақобатбардорлигини ошириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, энг асосийси, соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида корхонамиз акциядорлик жамиятига айлантирилди.

Янги бошқарув тизимига ўтиш ўз-ўзича бўлиб қолмайди. Бунда, албатта, қонунчилик талаби билан жаҳон стандартига жавоб берадиган компания бўлиши керак. Шу йилнинг 30 май кунини комбинат тарихида илк мартаба 2021 йил учун молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ мажмуаси халқаро стандартларга мувофиқ ҳолда тайёрланди. Ҳисобот халқаро аудит компанияси томонидан аудитдан ўтказилди ва ижобий ҳулоса олинди. Бу келгусида амалга оширадиган ишларимиз ва жаҳонда олтин қазиб олувчи компаниялар билан рақобат қилишимизда муҳим ўрин тутаяди.

Жаҳоннинг олтин бўйича энг нуфузли таҳлили марказларидан бири ҳулосасига кўра, “Мурунгов” қонининг қаторасига икки йил давомида олтин қазиб олувчи конлар ўртасида биринчи ўринни эгаллаган мамлакатимиз ва комбинатимизнинг улкан ютуғидир. Таърибли муҳандис ва малакали мутахассислар, бу ерда меҳнат қилаётган минглаб ишчиларнинг фидойилиги боис шу натижаларга эришганмиз. Айни вақтда Нурота туманининг “Пистали” қони негизда йилга 4 миллион тонна олтин маъданини қайта ишлайдиган 6-гидрометаллургия заводининг қурилиши жадал суръатда олиб боришмоқда.

Тўйга тўёна билан деганларидек, комбинатимиз мустақиллигининг 31 йиллик байрамини ҳам улкан ютуқлар билан қарши олди. Жорий йилнинг 5 августинда “Балпантов” ва “Томдйбулок” қонларининг олтин маъданларини қайта ишлаш учун 2-гидрометаллургия заводига етказиб бериш мақсадида 35 километрдан иборат янги темир йўл линияси ишга ту-

ширилди. Мазкур темир йўл линиясининг аҳамияти шундаки, у ўзимизнинг қурувчилар томонидан барпо этилди. Хозирги кунда “Турбай” қониغا 53 километрлик темир йўл линиясини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Байрам арасида Чехия давлати билан ҳамкорликда олиб борилган икки йиллик самарали меҳнат маҳсули сифатида Ўзбекистон қончилик санаяти тарихида илк бор Кўшработ туманида жойлашган Зармитан санаят майдонидида диаметри 6,5 метр бўлган, техник жиҳатдан ниятда мураккаб ҳисобланган “Скип” ва “Клет” ҳаракатланадиган шахта чуқурлиги 1000 метрга етказилди. Бу ҳам Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллик байрамига муносиват билан.

Бу ишлар комбинат ўз йўналишида ривожланиш сари дадил қадамлар билан бораётганидан далолатдир. Айни пайтда мазкур шахтада кейинги босқичдаги ишлар давом эттирилмоқда. Лойиҳани 2023 йил март ойида тўлиқ якунлаш режалаштирилган. Бу келгусида ер қаъридан ҳар йили 850 минг тонна рудани ер юзасигача чиқариш имконини беради.

Мустақиллик, айниқса, кейинги олти йилда комбинат жамоаси эришган ютуқлар замирида, аввало, Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган дастурлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, бир пайтлар оддий қончилик жиҳозлари ҳам четдан олинди келинарди. Маҳаллий муҳандис ёки мутахассисларга ишонмаслик қайфияти устун эди. Аммо мустақиллик йиллари, айниқса, кейинги вақтларда эришаётган ютуқларимиз хорижийлик соҳа ва килларини ҳам ҳайратга солмоқда. Негаки, ишга туширилаётган замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини лойиҳалаш, қуриш, янги технологияларни ишлаб чиқиш жорий этиш, мураккаб қончилик асбоб-усуналарини тайёрлашдек ишларни ўзимизнинг малакали муҳандис ва таърибли мутахассисларимиз бажармоқда.

Хозирги шиддатли тараққиёт даврида кон-металлургия соҳасини янада ривожлантириш билан боғлиқ муҳим ва долзарб вазифалар олдимизда турибди. Хусусан, комбинатни трансформация қилиш жараёнларини давом эттириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этган ҳолда йирик ва истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, янгица фикрлайдиган кадрларни тайёрлаш вазифалари ана шулар жумласидандир.

Умуман, Навоий кон-металлургия комбинатининг кўп миң кишилик жамоаси жонжагон Ўзбекистонимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш йўлида самарали меҳнат қилмоқда. Улар кўмағида олдимизга қўйган улғувор мақсадларимизга, албатта, эришамиз.

Қувондик САНАҚУЛОВ,
Навоий кон-металлургия комбинати бош директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ

Унинг таъминотида биз ҳам масъулмиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқини катта ҳаяжон ва қизиқиш билан тинглаб эканман, барча юртдошларимиз қатори менинг ҳам қалбим юксак фахр-ифтихорга тўлди. Зеро, давлатимиз раҳбарининг нутқи ҳар галлидек, чин юракдан чиқди — уларнинг хоҳияти, асосини инсон учун, унинг бахту саодати учун амалга оширилаётган ислохотлар ташкил этади.



Муносабат

Айниқса, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи доимо диққатимиз марказида бўлиши, соҳага жалб қилинаётган инвестициялар ҳажми кескин кўпайтирилиши, муаммоли ҳудудларга тоза ичимлик сувини етказиш ва сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастурлар амалга оширилиши ҳақидаги фикрлари миллионлаб юртдошларимизнинг айни дилидаги гап бўлди.

Албатта, сўнгги 6 йилда мамлакатда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ва уларга канализация хизматларини қўриқатиш борасида салмоқли ишлар қилинди. Соҳага ажратилган

12 триллион сўм эвазига 25 минг 300 километрдан ортиқ ичимлик суви тармоқлари, 1 800 дан зиёд сув иншоотлари барпо этилган. Бу, ўз навбатида, 6 миллион 500 минг аҳолини илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш, шунингдек, 4 миллиондан зиёд инсонларнинг сув таъминотини яхшилаш имконини берди. “Қўнғирот — Мўйноқ”, “Оқсув — Деҳқонобод”, “Зарафшон дарёси ҳисобига Жиззах вилояти аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш” каби мисл қўрилмаган йирик лойиҳалар натижасида мамлакатимиз аҳолисининг мар-

казлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 70 фоизга етказилди. 2026 йилга қадар ушбу кўрсаткични 87 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Ушбу натижаларга эришишда давлат раҳбари ташаббуси билан соҳада амалга оширилган изчил ислохотлар, хусусан, соҳанинг мукаммал ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилгани, глобал пандемия шароитига қарамай, молиявий манбалар билан таъминлангани муҳим аҳамият касб этди.

Хозирги кунга қадар ушбу соҳа Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни айрим декларатив нормалари ҳамда йигирмадан ортиқ қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинган. Аммо амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар тарқоқ ва қатор нормалар ҳавола хусусиятга эга эканлиги, соҳани тизимли тартибга солишининг ҳуқуқий механизми белгиланмагани туфайли мамлакатимизда тармоқ фаолияти ривожланган давлатлар қарағандидан паст кўрсаткичларда қолаётгани.

Президентимиз томонидан шу йил 22 июль куни имзоланган “Ичимлик

суви таъминоти ва оқова сувларини чиқариб юбориш тўғрисида”ги Қонун аҳолини тоза ва сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда оқова сув хизматларини яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бугунги глобал ривожланиш даврида ичимлик суви манбалари бўлган ер усти ва ости сув захираларини муҳофаза қилиш асосий экологик муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳужжатда ичимлик суви ресурслари муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилиб, сувининг технология жihatдан сарфланишини ва йўқотилишини ҳисоб-китоб қилиш тартиби белгилангани айни мuddаодир.

Сув — ҳаёт манбаи. Азалдан халқимиз суви табиатининг бебаҳо неъматидеб билган ва уни тежаб, оқилона фойдаланишга эътибор берган. Мамлакатимизда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани инсонни эъозлаш ҳамма вақт давлатнинг энг асосий вазифаси бўлиб қолишдан далолат беради.

Ислом ХУШБАҚТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ — УСТУВОР ВАЗИФА

БМТ маълумотларига кўра, ҳозирда жаҳон аҳолисининг 840 миллион нафари оч қолаётган бўлса, 2050 йилга бориб бу кўрсаткич 2 миллиард кишига етishi мумкин. Уларнинг 12,9 фоизи ривожланаётган мамлакатларда яшайди.

Акс садо



Кейинги йилларда республика-мизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга давлат сиёсати да-каражасида эътибор қаратилмақда. Айниқса, нархлар барқарорлигига эришиш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий назоратида бўлиб турибди.

Президентимиз раҳбарлигида бу борада бир неча бор видеоселектор йиғилишлари ўтказилиб, ички бозорларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўйинтириш ва нархларни барқарор ушлаб туриш борасида мутасадди раҳбарлар олдида аниқ вазифалар қўйилган.

Давлатимиз раҳбари расмийла-шу йил 5 сентябрь куни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг барқарорлигини таъминлаш ва захирасини яратиш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам ушбу масалага алоҳида тўхталиб ўтилгани бежиз эмас.

Зеро, озиқ-овқат хавфсизли-ги мамлакат аҳолисини шу каби асосий маҳсулотлар билан ўзини ўзи, мустақил таъминлашга қодирлигини ифодалайди. Шу-

лаётган 20 минг гектар ва келгусида бериладиган 100 минг гектар экин майдонлари ҳисобидан импортни қисқартириш, озиқ-овқат маҳсулотлари учун экин экинши камида 300 минг гектарга етказиш лозимлиги қайд этилди.

Эндиликда картошка, сабзавот, ёғ-мой экинлари эқадиған кластер ва деҳқонларга ҳосилни суғурталаш харажатиининг 50 фоизи давлат ҳисобидан қоплаб берилиши айни мuddаодир. Бу имкониётлар минглаб деҳқонларнинг дилдаги гап бўлди, уларни фаолликка қорлади.

Томорқа ризқ-рўз, қўшимча даромад манбаи, бандлигини, арзончиликни таъминлашининг самарали йўлидир. Йиғилишда томорқачиликни ривожлантириш масалаларига ургу берилиб, кўпча музлаткичлар учун ер майдонларини ижарага бериш мuddаларини ушайтириш, аҳолига ўсимликларни химоя қилишда кўмаклашиш зарурлиги қўриқатиб ўтилди.

Шу нуктага назардан, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириб, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, фермер ва деҳқонларнинг бу борадаги муаммоларини хал қилиб, уларга кўмаклашиш бугун биримизнинг олдимизда турган устувор вазифадир.

Равшанбек БЕГМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ТАДБИРКОРЛИК — ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ВА ФАРОВОН ҲАЁТ КАФОЛАТИ

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда иш билан банд аҳоли даромадининг 80 фоиздан ортиғи айнан кичик бизнес ҳисобига тўғри келади. Шу боис тадбиркорларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мутасадди давлат органлари, муассасалари, ҳуқуқ-тартибот органларининг биринчи галдаги устувор вазифасига айланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароит, кафолатлар яратиш, солиқ, боғжона имтиёзларини кенгайтириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилишга жиддий аҳамият берилаётди.

Шу йилнинг 22 август куни Халқаро конгресс марказида Тадбиркорлар кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Президент Шавкат Мирзиёев очик мулоқот аввалида барчанни байрам билан табриклаб, тадбиркорлар мамлакатимиз иқтисодий қудратини ошириш, тинч ва фаровон ҳаёт барпо этишда асосий кўп эканлигини таъкидлади.

— Жамиятда тадбиркорларнинг обрўси ва мавқеи кун сайн юксалиб, ички ва ташқи бозорда ўз мустақам ўрнига, ўз нуфузи ва брэндига эга бўлган ишбилармонлар тобора кўпайиб бормоқда. Давлат идораларида ҳам уларга муносабат тубдан яхшиланди. Тадбиркорларга нисбатан мана шундай ёндашув бундан кейин ҳам иқтисодий сиёсатимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолади, — деди Юртбошимиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 августдаги Фармониға мувофиқ, Тадбиркорлар кунини муносабати билан мамлакатимиз тараққуиғига муносиват ҳисса қўлиб келаётган соҳа вакилларидан бир гуруҳи мукофотланган эди. Тадбирда давлатимиз раҳбари 29 нафар фидойи ва илгор тадбиркорларга орден ва медалларни тантанали топширди. Шунингдек, 19 августда Президент фармойишини билан “Фол тадбиркор” кўкрак нишонини таъсис этилган эди. Бундай юксак эътирофга сазовор бўлган 100 нафар тадбиркорга жойларда янги таъсис этилган кўкрак нишонини тантанали равишда топширилди.

Тарихий аҳамиятга эга учрашувда давлатимиз раҳбари соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш юзасидан беш йўналиш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Биринчи йўналиш — қорхоналарни тоифаларга ажратиш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида ёндашушни белгилашнинг назарда тутаяди. Бу борада қорхоналар

йиллик айланмаси бўйича тоифаларга ажратилади. Булар: — 1 миллиард сўмгача бўлгани — микро бизнес; — 10 миллиард сўмгача бўлгани — кичик бизнес; — 100 миллиард сўмгача бўлгани ўрта бизнес тоифасига киряди.

Шундан келиб чиқиб, 2023 йил 1 январдан бошлаб микро бизнес вакиллари учун айланмадан олинандиган солиқнинг амалдаги 4 фоиздан 25 фоизгача бўлган ставкалари ўрнига яғна 4 фоизга солиқ ставкаси жорий этилади. Бунда олиқ ҳудудларда ва алоҳида тоифадаги тадбиркорлар учун амалдаги 1 ва 2 фоизли ставкалар сақлаб қолинади. Шунингдек, бундай тоифадаги тадбиркорлик субъектлари ихтиёрий равишда йилга 20 — 30 миллион сўм тўласа, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиқ идораларига тақдим этиш мажбурийатидан озод қилинади.

Иккинчи йўналиш — йиллик айланма маблаг 1 миллиард сўмдан ошиб, умумий солиқ тўлаш тартибига ўтган қорхоналар бир йил давомида фойда солигини икки баробар кам тўлайди. Йиғилишда ушбу имтиёз 370 минг тадбиркорга енгилликлар

Президентимиз очик мулоқотда кичик ва ўрта бизнес учун энг муаммоли масалалардан бири — қўшилган қиймат солигини ҳисоблаш ва қайтариш билан боғлиқ жиҳатга ҳам эътибор қаратди. Давлатимиз раҳбари 2021 йили тадбиркорлар билан ўтказилган олма-юз учрашувиде бизнес учун солиқ юкини босқичма-босқич тушириб бориш сиёсатини давом эттириб, қўшилган қиймат солиғи ставкасини янада пасайтиришга ваъда берган эди.

“Очиқ айтишим керак, “Иқтисодиёт пандемия туфайли ҳали тўлиқ тикланмади, жаҳон иқтисодиётидаги вазият яхши эмас, шу сабабли буни кейинга қолдириш”, деб тақлиф берганлар ҳам бўлди. Лекин бизларни ишонтириб айтаман: биз ислохотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз ва 2023 йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкасини 12 фоизга туширамиз!”, деди Юртбошимиз.

2022 йил 1 июлдан бошлаб бўш бино, фойдаланилмаётган ер участкасига нисбатан мол-мулк ва ер солиқларининг оширилган ставкаларини қўллаш бекор қилинди. Аммо аввал ошириб ҳисобланган солиқлар нима бўлади, деган савол 19 минг



нес юриб кетиши учун етарли шарт-шароит, инфратузилма ва кафолатли бозор кераклигини алоҳида қайд этди. Шу сабабли, энг аввало, туман ва шаҳарларнинг шароитидан келиб чиқиб бизнес учун алоҳида ёндашувларни жорий этиш тақлифи билдирилди.

Туртинчи йўналиш — тадбиркорларнинг мулк ҳуқуқини химоя қилиш масаласи билан боғлиқ. Маърузада таъкидлаб ўтилганидек, бундан буён ер ва мулк ажратиш ҳақидаги қарорларни бекор қилиш фақат суд тартибиде амалга оширилади.

Бу хусусда сўз юритар экан, “Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳоқимларнинг эътиборини бир масалага қаратмоқчиман — мулк ҳуқуқига оид қарорларни улар томонидан бекор қилишга йўл қўйилмайди”, деди Шавкат Мирзиёев.

Демак, эндиликда тадбиркор ҳуқуқини кафолатловчи ҳужжати фақат суд ҳужуқий эмас, деб топиши мумкин бўлади. Йиғилишда тадбиркорларни қўйиётган яна бир амалиёт — тергов жараёнида мол-мулкни хтлаб қўйиш билан боғлиқ жиҳатга ҳам эътибор қаратилади. Таъкидланганидек, ўтган уч йилда терговчилик томонидан аниқланган зарардан икки баробар кўп мол-мулк хатланган (1,5 триллион сўм). “Энди ҳар бир хатловнинг асосли экани суд томонидан қўриб чиқилади, қарорни фақат суд қабул қилади. Уйлайманки, шундангина адолат бўлади”, деди давлатимиз раҳбари.

Бешинчи йўналиш — тадбиркорлар фаолиятини назорат қилиш ва уларни жавобарликка тортиш масалаларини назарда тутаяди. Учрашувда мамлакат раҳбари ташаббуси билан тадбиркорларга нисбатан янги жавобарлик ва жазо чораларини жорий этишга 3 йиллик мораторий эълон қилинди. Шунингдек, тадбиркорларга нисбатан мажбуриятлар юклайдиган янги қонун ҳужжатлари қабул қилинганда, йўл қўйган хатоси учун тадбиркор 6 ой давомида жаза қўлланилмаслиги айтилди.

Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан кўп иш ўринлари яратган, бизнеснинг янги йўналишларини йўлга қўйган, ўз соҳасида инновация ва ислохотлар қилган ва эл-юрт орасида обрў топган бизнес вакилларини муносиват эътироф этиш учун “Ўзбекистонда химат қўрсатган тадбиркор” фахрий унвонини таъсис қилиш тақлифи ўртага ташланди.

Тадбиркорга кўмакчи, маслақдош бўлиши керак бўлган Савдо-санаят палатаси ва унинг худудий бўлинмаларининг фаолиятини тубдан ўзгартириш бўйича ҳам бир қатор тақлифлар билдирилди. Бундан буён ушбу тузилма:

Хулоса шуки, 2023 йилнинг 1 январидан мамлакатимизда тадбиркорликнинг кенг қулоч ёиши, уларнинг ишончли химояси ва фаолиятини йўлга қўйиши, самарали фаолият қўриқатиш учун муҳим таянч ҳамда ишонч муҳити янада мустақамланади.

Бу эл-юрт манфаати учун камарбаст инсонларнинг қўлайишига химат қилиб, юрт равнақ-ривожини йўлида суний тўсиқлар бўлмаслигини таъминлайди. Химмати баянда, шиддатли тадбиркорларимиз энди белни маҳкам боғлаб, эркин рақобат майдонида дадил одимлашлари учун барча шароит муҳайё бўлади.

— туман-шаҳарларда фаолият олиб боруви тадбиркорларни бирлаштириб, уларни қийнаётган муаммо ва масалаларни аниқлаш билан амалда шуғулланади; — ҳар бир туман-шаҳарда илгор ва замонавий усуллар асосида бизнесга ўқитиш мактабларини ташкил қилади; — оқим ва бошқа худудий раҳбарларга қўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш воқолатига эга бўлади; — маҳаллий Венгаш ва ҳоқимлар билан ҳар ой камиде икки марта танқидий муҳожамактари ўтказилади.

Шу билан бирга, Савдо-санаят палатасига Ҳўкуматга қўриб чиқиши мажбурий бўлган масала киритиш, тадбиркор манфаатини қўллаб, Олий судга ариза бериш ҳамда иқтисодий, маъмурий ва жинойт ишлари бўйича суд қарорларини қайта қўриб чиқиш юзасидан шикоят киритиш воқолатлари берилади. Бундан аён бўладики, Савдо-санаят палатаси ва унинг худудий бўлинмалари фаолияти тубдан ўзгаради. Энг эътиборлиси, Савдо-санаят палатаси Ҳўкумат бўйсунувидан тўлиқ чиқарилади.

Эзу ташаббусларни тўлиқ ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Президент ҳузурда Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Жамоатчилик кенгаши тузилиши бу борада изчил сай-ҳаракатлар бардавом эканлигини даволат беради.

Муҳтарам Президентимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги тантанасига бағишланган байрам тадбирида ҳам юксак марраларга эришиш учун 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида кейинги ишларимизни 5 та асосий вазифалар бўйича давом эттириш мақсадида эзу ташаббусларини илгари сурди.

Беш устувор йўналиш хусусида фикр юритиб, умуман айтганда, биз қураётган янги Ўзбекистонда бизнесни ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш, камбағаллик қисқаради, аҳоли даромадлари қўллаб-қувватланади. Бунинг учун хусусий мулк ва тадбиркорликка ҳалақат бераётган барча тўсиқлар бартарф этилади, деди давлатимиз раҳбари.

Қўнғиротбой ШАРИПОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, профессор.

ҚОНУН ИЖРОСИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ТАЪМИНЛАНМОҚДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзолари шу йилнинг август ойида "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида"ги Қонуннинг ижроси ҳамда 2022 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига қўмаклашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини Хоразм вилояти мисолида назорат-таҳлил тартибда ўрганган эди.

Ўрганиш

Кеча парламент қўйи палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг кенгайтирилган йилги мажлисида мазкур масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Хоразм вилоятида ногиронлиги бўлган шахсларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг тураржойлар, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларидан монеликсиз фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоят бўйича 2021 йилда 55 нафар, 2022 йилда 110 нафар ногиронлиги бўлган шахс ва ўз таркибига ногиронлиги бўлган шахс бор оилалар уй-жойлар билан таъминланган. Шунингдек, жорий йилда "Аёллар дафтери" да рўйхатда турувчи ҳамда уй-жой таъмирига муҳтож 280 нафар хотин-қиздан 147 нафарининг уй-жойи таъмирлаб берилган.

Қайд этилганидек, шу йилнинг ўтган даврида вилоятда 682 нафар имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига қўмаклашиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар 504 нафарини иш билан таъминлашда амалий ёрдамлар кўрсатилган.

Депутатларнинг айтишича, вилоятда захираланган иш ўринларига ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштиришда аксар ҳолларда уларни захирага олишдан иш жойларига эмас, балки бўшаб қолган вакант иш ўринларига юбориб, кейинчалик буни "захира иш ўрнига юборилди", деб расмийлаштириш ҳолатлари учрамоқда. Жумладан, Янгйўл туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабига фарош сифатида фуқаро Г. Х., Урганч тумани тиббиёт бирлашмасига Н. У., Хива шаҳар 9-ДМТга Х. М.ни ишга жойлаштириш жараёнларидаги ҳужжатлар қўздан кечирилганда ана шундай чалқашликлар аниқланди.

Шунинг учун ҳам захира ўринларига ишга жойлаштириш ҳолатларининг аксарияти Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Бандлик хизмати дастури

(МИКРОС)да ҳам ўз аксини топмаган. Депутатлар томонидан ушбу камчиликларни бартараф этиш борасида зарур тавсиялар берилди.

Ингилишда Хоразм вилоятида янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳоли бандлигига қўмаклашиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати ҳам муҳокама қилинди.

Айтиш жоизки, Қонунчилик палатаси томонидан жорий йилнинг ўтган даврида ҳудудларда янги иш ўринларини яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар самардорлигини ўрганиш юзасидан ўнга яқин назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилди.

Шу йилнинг июнь ойида Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирини Н. Хусановнинг "2022 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига қўмаклашиш бўйича дастурларнинг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги ахбороти атрофида муҳокама қилинди.

Ингилишда ўрганиш якунларига кўра жорий йилнинг ўтган даврида Хоразм вилоятида 283,1 минг аҳоли вақтинчалик ва доимий ишларга жалб қилиниши орқали бандлиги таъминлангани қайд этилди. Жумладан, тармоқ ва ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ташқи савдо ва маҳаллий саноатни ривожлантириш ҳисобига 3,9 мингта доимий иш ўрни яратилгани айтиб ўтилди.

Депутатлар ўрганиш давомида аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, инвестиция лойиҳалари асосида янги иш ўринларини яратишни ўз вақтида амалга ошириш юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар берди.

Яқинда кун тартибидеги масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Очиқ мулоқот

«КИТОБ. КУТУБХОНА. КИТОБХОН»

5 — 9 сентябрь кунлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ташкил этилган «Китоб ва мутолаа» ҳафталиги доирасида бир қатор тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

«Китоб. Кутубхона. Китобхон» мавзусидаги очиқ мулоқотда миллий кутубхона раҳбар ва мутахассислари, журналистлар, тегишли олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари ва талабалар қатнашди. Мулоқот давомида Миллий кутубхона директори Умида Тешабоева кейинги пайларда ижтимоий тармоқларда мазкур зиё масканига киришчиқанда, электрон манбаларни юклай олиш, гардеробнинг камлиги борасида эътирозлар қўлайиб бораётганини таъкидлаб, ОАВ вакиллари билан очиқ мулоқот ўтказишга қарор қилинганини билдирди. Барчани бу борада ўз муносабатини билдиришга чорлади.

— 2011 йилда қуриб битказилган ва 2012 йилдан китобхонларни қабул қила бошлаган ушбу маърифат маскани мамлакатимиздаги энг катта қўлёзма ва босма нашрлар сақланадиган жой ҳисобланади, — деди Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори. — Фондимизда ҳозир 7,5 миллиондан зиёд ресурслар мавжуд. Бу ерда китобхона учун қулай шароитлар хозирланган. Фойдаланувчилар мавжуд электрон манбаларни юклай олиши мумкин. Зиё масканига келувчиларга имкониятларни янада яхшилашга ҳаракат қилинмоқда. Масалан, кутубхонага бир кунда 1800 — 2000 нафаргача китобхонлар келади. Гардероб эса атиги 800 — 1000 кишига мўлжалланган. Шунинг учун бу камчиликка барҳам бериш, гардеробни кенгайтириш режалаштириляпти. Зиё масканига кириш-чиқишда Миллий гвардия хизматчилари китобхонларни обдан текшириши кўпчиликка маъқул бўлмапти.

Лекин мутолаа ва қироатхоналарда қанчалик қузатув бўлмасин, баъриб газета тўппаларидан, китоблардан варақларини йиртиб олиш, яширинча олиб кетишга уринишлар содир бўляпти.

Гипимни тўғри тушунишларингизни истардим, китоб ўғриси кафан ўғрисидадир ёмон. Чунки бу хазина авайлаб-асралиб, келгуси авлодлар учун ҳам хизмат қилиши керак. Биз бу борада иложи борича кутубхона аъзолари ўртасида тушунтириш ишларини олиб бораёلمиз, шунинг учун кириш-чиқиш текширувларидан ҳафа бўлмастик керак, деб ўйлайман. Қолаверса, мақсад шу ердаги бой манбалардан фойдаланишдан иборат бўлса, кириш-чиқиш қоидаларига риоя қилиш ўз-ўзидан иккинчи даражада бўлиб қолиши табиий ҳол.

Миллий кутубхонада фан, таълим, маданият, бизнес соҳаларида электрон ахборот ресурсларини қўллаш ва бунда ахборот-кутубхона муассасалари, ўқув юртлири, архивлар, музейлар ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, кутубхоналарни инновацион ривожлантириш устида иш олиб бораёلمиз.

Аҳолининг барча қатламни кутубхона хизмати билан қамраб олиш, марказлардан олиш ҳудудларда истикомат қилидиган юртдошларимиз учун кўма кутубхоналар ташкил этиш, акборот-кутубхона ресурсларидан масофадан туриб фойдаланишни ривожлантириш бўйича ҳам кенг қамровли фаолият юритилмоқда. Жумладан, яқна ва гуруҳли ҳамда оммавий китобхонлики тизимли равишда ташкил қилиш, фойдаланувчилар ўртасида мутолаа маданиятини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонлиқни кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Очиқ мулоқотда мутасаддилар бу ерда йирилган меҳмонлар ҳамда ОАВ вакиллари саволларига жавоб қайтарди.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ («Халқ сўзи»).



БУХОРОНИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ

Ундан қандай фойдаланиляпти?

Юртимизда маданий мерос объектлари бениҳоя кўп. Биргина Бухоро вилоятида уларнинг сони мингдан зиёд. Вилоятнинг сайёҳлик салоҳиятидан дарак берувчи бу кўҳна обидалар аждодларимизнинг юксак ақл-заковати, билими, бой дунёқараши тимсоли сифатида кўнгилларда фахр-ифтихор ҳиссини уйғотади. Зеро, кўҳна тарихимиз ёшлар онгу шуурига юртпарварлик, адолатпарварлик, меҳру оқибат, одамийлик, яхшилик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик каби эзгу фазилатларни сингдиради ҳамда хайрли ишларга давбат этади.

Бугунги кунда ҳам вилоятнинг асрий обидалари, муқаддас қадамжолар, кўп меҳнатига асосланган хунармандчилик, урф-одату миллий анъаналар сайёҳлик равнақига хизмат қиялпти.

Туризм вилоят иқтисодиётини мустақкамлаш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Биргина жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, сайёҳликдан вилоят иқтисодиётига 763 миллиард сўмдан зиёд маблағ тушгани, туризм ва унга йўлдош хизмат кўрсатиш соҳаларида 20 минг нафарга яқин аҳоли муқим иш ўринларига эғалиги ҳам ана шундан далолат беради.

Қуйида вилоятнинг сайёҳлик салоҳияти, бу борадаги ҳаётий тажриба ҳамда ижобий ечимини кутаётган айрим масалалар ҳақида сўз юритамиз.

Жараён

«Ўзгаришлардан жуда хурсандмиз»


Бугун Бухорои шарифнинг қадимий кўчалари сайёҳлар билан гавжум. Меҳмонлар орасида мамлакатимизнинг турли гўшаларидан келган юртдошларимизнинг ҳам тез-тез учратиш мумкин. Хусусан, кейинги йилларда Фаргона водийсидан сайёҳлар оқими кўпайгани кузатишмоқда.

— Марғилонданмиз, ўзим оддий деҳқон аёлман, умрим далада ўтган, — дейди ўзини Ҳалимаҳон Юнусова дея таништирган онахон. — Барака топгур фарзандларим "онахон, Самарқанду Бухорони томоша қилмабсиз, бу

ҳокимлиги даражасида бир қатор ҳудудлар билан меморандумлар тузилгани кувонарли. Айни жараёнда ҳамкорлик қўламини кенгайтиб бориши натижасида жорий йилнинг дастлабки ярмида вилоятга келган маҳаллий сайёҳлар сони 1 миллион 530 минг нафарни ташкил этди.

Кўҳна кентнинг Франциялик мезбони

Бу ўринда гап бухоролик кўни-қўшнилари, маҳалладошлари "Эленжон", баъзида "Бибижон" деб атайдиган франциялик Элен Пелос хоним



дунёга келмабсиз", деб туриб олишди. Ўзим ҳам анчадан буюн шу ниятда эдим. Бухоро ниҳоятда чиройли шаҳар экан. Бу ердаги ўзгаришларни кўриб, жуда хурсанд бўлдим.

Ҳалимаҳон ая сайру саёхат баҳонасида яна бир мақсадига етди. Бахоуддин Нақшбанд қадимжосини зиёрат қилди. — Рухмин ниҳоятда энгил торгандай, — дейди онахон. — Қадимжодаги ободлик, боғроғларнинг таровати, зиёратчилар учун яратилган қулайликлар кўнглимизга ёруғлик олиб кирди. Шундай эзгу ишлар бошида турган Юртбошимиз ҳаққига дуолар қилдик. Марғилонга қайтгач, кўни-қўшнилари, маҳалладошларга Бухородан олган таассуротларим ҳақида сўзлаб бераман, албатта.

— Марғилонда туристик фирма фаолиятини йўлга қўйганмиз. Юртдошларимизнинг қадимий шаҳарларга саёхатини ташкил этишга, — дейди яна бир сўхбатдошимиз Шаҳноза Авазбекова. — Шу йилнинг май ойида 1,5 минг нафар фарғоналикнинг Бухорога саёхатига бош-қош бўлдим. Бу сафар 51 нафар сайёҳ олиб келганмиз.

Кўриб турганингиздек, сайёҳларнинг аксарияти нуруний ёшда. Йўлнинг узоклиги уларни чарчатади. Агар Фаргона водийсидан Бухорога тўғридан-тўғри самолёт парвози йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундай рейслар ҳеч бўлмаса сайёҳлик масъуми саналган баҳор ва куз ойларидан амалга оширилса, ўзини ҳар томонлама оқлайди.

Бу ўринли тақлиф. Айтганча, яқинда "Uzbekistan Airways" АЖ масъул ходимлари раҳбарлари Фаргона — Бухоро — Фаргона йўналишида авиарейслар йўлга қўйиш тақлифини илгари суришди.

Бундай фикр-мулоҳазалардан аён бўладикки, Бухорода ички туризмни ривожлантириш имкониятлари бисёр. Бу борада вилоят

ҳаракатидамиз. Элен хонимга келсак, у Бухоронинг ҳақиқий ошиғи. Миллий урф-одатларимиз, мусикамиз, шарқона таомларимизга қизиқади, қадриятларимизни ҳурмат қилади. Ҳатто Курбон ҳайитида жонлиқ сўйиб, маҳалладошларига улашганига шоҳидман.

Бухоро ўз жозибадорлиги, қолаверса, кейинги йилларда юртимизда қулай инвестиция муҳити яратилгани туфайли нафақат Элен хоним каби чет эллик оддий фуқаролар, балки йирик хорижий сармоядорлар эътиборини ҳам тортмоқда. Айни дамда вилоятда инвестиция миждори 28 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи 3 та йирик меҳмонхона қурилмоқда. Шу йилнинг якунига қадар Ҳиндистоннинг "Metric Ventures" МЧК ҳамда Буюк Британиянинг "Wide Tent System" компаниялари томонидан амалга оширилаётган беш юлдузли "Hyatt Regency" ҳамда тўрт юлдузли "Wyndham" брендлари остидаги меҳмонхоналар ўз фаолиятини бошлаши мўлжалланмоқда.

Айтиш жоизки, вилоятда 2017 — 2021 йилларда меҳмонхоналар сони тўрт, туристик ресторан, гид-экскурсовод ва туроператорлар ҳамда ташриф буюрган сайёҳлар сони беш баравар ошишига эришилди.

«Қишлоғимизга бир келинг...»

Одамлар табиятан содда, қулгисевар Ширин маҳалласида бўлсангиз «Қишлоғимизга яна келинг!», дея лутф қилишади. Вобқен туманидаги мазкур гўша туризм қишлоғи макомини олгач, узоқ-қўндан меҳмонлар тез-тез келадиган манзилга айланмоқда.

Қишлоқнинг 2,5 километр масофали ички йўлга асфальт ётқизилди. Юриш имконияти чекланган ва кеска ёшдаги сайёҳлар учун махсус йўлақлар барпо этилди. Электр тармоқлари янгиланди, 2 та трансформатор ўрнатилди. Алоқа тармоқлари тартибга келтирилди. Спорт иншоотлари қуриляпти.

Бу ерга келган сайёҳларни қишлоқ ҳаёти қизиқтириши табиий, албатта. Ана шундан келиб чиқиб, олтига оилавий меҳмон уйи фаолиятни йўлга қўйилди. Қуллоқлик, зардўзлик, каштадўзлик каби хунарларга ихтисос-лаштирилган 6 та устакхона қурилди. Шарқона миллий таомлар тайёрланадиган, маҳорат дарслари ташкил этиладиган иккита чойхона ўз фаолиятини бошлади.

Шу тариқа "Ширин Этно Хаус" маркази, қадимий сандал уйлар, деҳқончилик асбоб-анжомлари тайёрлаш, от ва туяда сайр қилиш, қадимий тоштегирмон, асаларичилик, шўрданак ва нишолда тайёрлаш каби қишлоқ ҳаётини кўрсатиб берадиган хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил қилинди. Миллий қадриятларимизни саҳна кўринишлари орқали намойиш этувчи "Навниҳол" фольклор жамоаси тuzилди.

— Бу ерга ташриф буюрган сайёҳ унутилмас таассуротлар билан қайтади, — дейди Вобқен тумани ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари

«Дунёнинг кўплаб давлатларида бўлдим. Аммо Ўзбекистон, Бухоро таърифига тил ожиз. Меҳмондўст, самимий, меҳр-оқибатли одамларни, ҳаёт нафаси уфуриб турган қадимий шаҳарни яхши кўриб қолганим рост».

Элен ПЕЛОС, франциялик инвестор

ҳақида бормоқда. Салкам етмиш ёшли бу аёл машҳур адиб Виктор Гого таваллуд тогган Безансон шаҳридан. 35 йил консерваторияда талабаларга дарс берган, ҳозир нафақада.

— Дунёнинг кўплаб давлатларида бўлдим, — дейди Элен Пелос. — Аммо Ўзбекистон, Бухоро таърифига тил ожиз. Меҳмондўст, самимий, меҳр-оқибатли одамларни, ҳаёт нафаси уфуриб турган қадимий шаҳарни яхши кўриб қолганим рост.

Кечагидек эсимда, 2006 йилда турмуш ўртоғим билан илк бор Бухорога келдигу оромим йўқолди. Орадан икки йилча ўтиб эски шаҳардан шарқона услубда қурилган уй сотиб олдим. Тезда кўни-қўшнилари билан тил топишиб кетдим. Оз бўлса-да ўзбекча сўзлашни ҳам ўргандим. Тўй-маъракаларда давранинг тўрига ўтқизишди. Хуллас, Бухоро иккинчи ватаним бўлиб қолди. Шу қадимий ховлида меҳмонхона фаолиятини йўлга қўйдим.

"Helene Oasis" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси саналган Элен хоним бунинг учун 500 минг евродан зиёд сармоя сарфлади.

— Меҳмонхонамиз 40 ўринга мўлжалланган, — дейди мазкур масъулияти чекланган жамият иш юритувчиси Лола Облоқулова. — Ундан қадимий Бухоро нафаси келиб туради, десам, муболага қилмаган бўламан. Шу боис ҳам бизга, асосан, хорижий сайёҳлар келишади. Ишчи-ҳодимлар сони етти нафар. Меҳмонларга халқаро андозалар даражасида хизмат кўрсатиш

ихтисослаштирилган ўндан зиёд хунармандчилик устакхоналари фаолиятни йўлга қўйилди.

Хорижий сайёҳлар нимадан ҳайратда?

...Чет эллик сайёҳлар тушган микроавтобус Бухоро шаҳрига етар-етмас йўл четида тўхтади. Самарқандни томоша қилиб келаётган меҳмонлар бир муддат оёқ чигилини ёзишди. Шу қисқа вақт оралиғида улар олдига бирин-кетин бир эмас, тўртта автомашина тўхтади. Ҳайдовчилар микроавтобусни бошқариб келаётган йилгитта "Мабодо, сизларга ёрдам керакмасми?" дея сўрашарди.

— Бу ҳолатдан биз бениҳоя таъсирландик, — дейди франциялик сайёҳ Патрик Сале. — Буткул ёт кишиларнинг машинасини тўхтадиб, бошқаларнинг мушкулани осон қилиш мақсадида ўзининг бегарас ёрдамини тақлиф этишини, очиги, ҳозиргача учратган эмасман.

Маълум бўлишича, сайёҳлар Самарқанддаёқ одамларнинг ипифотлиги, хушмуомалалиги олдида лол қолишган. Улардан бири қадимий ёдгорликлар олдида сукмасини унутиб қолдирган. Тўртта полицияси сайёҳ-ҳаракати билан буюм қисқа вақт оралиғида топилиб, ёзасига қайтарилган.

— Юртингизда кечаю кундуз бежавотир юриш мумкин экан, — давом этади меҳмон. — Эътиборини торган яна бир ҳиҳат, бу заминда фарзанд тарбиясига жиддий эътибор қаратилиши — акс ҳолда, йўқолган буюминг топилиши дарғумон эди.

Шу билан бирга, қадимий ёдгорликлар, айниқса, темирйилар даврида бунёд этилган масжиду мадрасалар, карвонсаройлар меъморий ечими билан катта таассурот қолдирди. Маҳобатли бу ёдгорликлар ҳали техникадан ном-нишон бўлмаган даврларда барпо қилинган халқингизнинг юксак ақлу заковатидан далолатдир...

Патрик Сале билан хайрлашар эканмиз, беихтиёр статистикага кўз югуртирдик. Маълум бўлишича, жорий йилнинг олти ойида Бухорога салкам 300 минг нафар хорижий сайёҳлар ташриф буюрган. Уларнинг 21 фоизи Европа давлатлари фуқаролари ҳиссасига тўғри келади.

Меҳмонга, аввало, қулайлик керак

Комил Эрматов — юртимиз тарихини яхши биладиган инсон, 26 йилдирки гид-таржимонлик қилади. Ўзи ҳам дунё кўрган — Хитой, Туркия, Миср, Таиланд каби давлатларда бўлган. Бухоро ва Самарқанд, Хиванинг ҳар бир кўчаси, осориатқаси унга яхши таниш.

— Сайёҳлар учун биринчи навбатда қулайлик керак, — дея мулоҳаза юритади у. — Бухорода бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини эътироф этган ҳолда айрим ечимталаб масалаларга тўхталмоқчиман. Аввало, Бухородаги тарихий қадимжоларнинг асл қиёфасини сақлаб қолиш ҳақида қайғуриш керак. Токи, бу ердаги ҳар бир обида, маҳалла, кўчадан ўрта аср нафаси уфуриб турсин. Акс ҳолда гўша тарихий аҳамиятини йўқотиб қўйиши мумкин.

Сўхбатдошимизнинг фикрича, кўҳна Бухоронинг тор кўчаларида кўплаб меҳмонхоналар фаолиятни йўлга қўйилган. Ва бу жараён давом этмоқда. Ваҳоланки, тор кўчада жойлашган меҳмонхона хорижий сайёҳга ноқулайликлар туғдиради. Чунки меҳмонхона эшигига қадар автомашина боролмаслиги, айтилик, жомадонни элтишининг ўзи катта ташвиш. Бу масалани шаҳар тарихий қисми атрофида жойлашган меҳмонхоналарда хизмат сифатини ошириш орқали ҳал этиш мумкин.

Яна бир гап. Лабиҳовуздан то Арк кўрғонигача бўлган ҳудудда сайёҳларга мўлжалланган ҳожатхона йўқ. Гид-таржимоннинг билдиришича, хорижий сайёҳларнинг аксарияти ёши улуг инсонлар эканини инобатга олмоқ даркор. Дейлик, Хива шаҳрида ҳар 200 метрда шундай қулайлик яратилган. Ишонинг, бу майда-чўйда масала эмас.

— Бухорога тезорар поездлар қатнови йўлга қўйилгани айни муддао бўлди, — давом этади К. Эрматов. — Айрим хорижий сайёҳлар бу ерга гид-таржимонлик келади. Шунда Когондан Бухорогача бориш масаласи пайдо бўлади. "Афросиёб" поездининг келиш вақтига мўлжаллаб Когон темир йўл вокзалида туристлар учун махсус автобус қатновини йўлга қўйиш зарур. Бу ҳақда поездда, меҳмонхоналарда эълонлар бериб бориш лозим. Хорижий давлатларда бўлганимиз шу таъриба ўзини оқлайтгани, сайёҳлар манзилдан манзилга қийналмай етиб олишини кўп учратганман...

Хулоса шуки, Бухоро вилояти туризмни ривожлантириш борасида жуда катта салоҳиятга эга. Бу салоҳиятни тўлақонли юзага чиқариш, сайёҳлик истиқболига хизмат қилувчи дастурларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш, соҳага хорижий сармояни жалб этиш мамлакатимизни дунёга янада кенгроқ танитиш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда иқтисодиётимизни янада юксалтиришга хизмат қилади.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ТАЪЛИМ, ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАРГА АСОСЛАНАДИ

Жорий ўқув йилида тахсил оладиган талабаларнинг 47 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Базавий тўлов-шартнома асосида давлат олий таълим муассасасига қабул қилинган, ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган қизлар, боқувчисини йўқотган ёлғиз аёлларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда давлат олий таълим муассасалари ҳисобидан ўқитиш тартиби жорий этилди.



Этиборга молик яна бир янгилик. Жорий йил 18 июлда Президентимизнинг "Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг таълим олишларини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасаларининг барча шаклида ўқиётган талаба қизлар учун 7 йилга мўлжалланган фойдаланиш кредитларини йўлга қўйилди. Талаба ўқиниши битирганидан сўнг еттинчи ойдан эътиборан, олган кредитларини қайтаришни бошлайди.

Маълумот сифатида айтиладиган бўлса, магистратура мутахассислигида жорий ўқув йилида талабаларнинг 23 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Эндиликда магистратурада тахсил олаётган хотин-қизларнинг шартнома тўлови тўлиқ Давлат бюджетидан қўллаб-қувватлаш жамиятимизда уларга бўлган эътиборини яна бир ифодасидир. Алоҳида таъкидлаш жоиз, Янги Ўзбекистон университетининг ташкил этилганлиги эса иккитдорли ёшларимиз учун алоҳида имконият яратди.

Бугун юртимизда Россия, Италия, Жанубий Корея, Буюк Британия, Сингапур каби хорижий давлатларнинг етакчи университетлари филиаллари иш олиб бормоқда. Уларнинг фаолияти маҳаллий олийгоҳларнинг ривожланишига ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Айни пайтда билим даргоҳларининг қиёфаси ўзгариб, моддий-техника базаси яшилланяпти. Илмий ишланмаларни молиялаштириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш кучаймоқда, жумладан, профессор-ўқитувчиларнинг даромадлари ҳам ортыпти. Натижада хорижий педагоглар, талаба ёшларнинг мамлакатимиз олий ўқув юртиларида ишлашга, ўқишга қизиқиши, хоҳиши мунтазам ошиб бормоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг таълим соҳасида Марказий Осиёнинг таълимига айланган бораётгани тасдиқидир.

Ўтуқлар тақдосида аниқ-равшан кўрилади. Шу нуктага назардан, бугун университетлар сонининг ошганини алоҳида эътироф этиш мумкин. Жумладан, уч йил аввал аҳолиси Ўзбекистоннинг ярмига тенг қўшни Қозғистонда университетлар сон юртимиздагидан икки баробар кўп ва университетларга қабул даражаси Қозғистонда 45, Ўзбекистонда эса 10 фоизга тенг эди. Кейинги йилларда мамлакатимизда янгидан-янги университетлар очилди. Утган 6 йил мобайнида олий ўқув юртилари сонини 77 тадан 170 га етди. 31 хорижий ва

халқаро стандартларга мувофиқ жорий этилади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизнинг мазкур йўналиши жаҳон таълим тизимига тўлиқ интеграция қилиниши, халқаро академик ва илмий мобиллик ҳуқуқий асосга эга бўлиб, кескин кенгайишига хизмат қилади.

Шунингдек, дипломлар, академик ва илмий даражалар конвертацияси учун қулай шароит яратилади. Таълим дастурларини халқаро микёсда уйғунлаштириш имконияти кенгайди. Мамлакат олий таълим муассасалари халқаро рейтингларда тенгма-тенг иш тирок этиши, таълим жараёнига хорижий мутахассисларни жалб қилиш, халқаро академик ва илмий лойиҳалар қўламини ҳамда қўшма дастурлар асосида ўқитиш салоҳияти ошади.

Жаҳон меҳнат бозорига рақобатбардош ва юқори малакали мутахассисларни етакчи хорижий таълим муассасаларида тайёрлаш асосий йўналишлардан бири. Ана шу мақсадда ўтган йил "Эл-юрт умиди" жамғармаси ҳамда олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлик ва грант дастурлари доирасида 1 345 нафар профессор-ўқитувчи хорижий олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларига малака ошириш ва стажировка ўташ учун юборилди.

Олий ўқув юртиларида таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида 2021 йилда ривожланган мамлакатлардан 1 793 нафар хорижий мутахассис маҳаллий ўқув жараёнига жалб этилди.

Бугун ҳеч бир соҳани ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Олий таълим муассасаларидан олинган турли хисобот ва маълумотлар сонини кескин камайитириш, уларни тайёрлашнинг қозғашаклидан воз кечиш, бошқарув тизимини рақамлаштириш мақсадида "Рақамли университет" лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида олий таълим жараёнини бошқариш ахборот тизими ишлаб чиқилди. У маълумий, ўқув, илмий ва молиявий жараёнларни бошқариш модулларини ўз ичига олади.

Мамлакатимиз таълим тизимидаги тўб ижобий ўзгаришлар халқаро ташкилотлар томонидан мунтазам эътироф этилмоқда. Жумладан, QS халқаро рейтинг компаниясининг ривожланаётган

Европа ва Марказий Осиё давлатлари рейтингларида Ўзбекистон Миллий университети ўтган йилги 351+ натижа кўрсатган бўлса, 2022 йил учун эълон қилинган рейтингда 100 поғона юқори кўтарилиб, 251+ ўринни эгаллади. Бундан ташқари, "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети 211+ ўрин билан ўтган йилги кўрсаткичидан 40 поғона юқори кўтарилди. Тошкент давлат техника ва Самарқанд давлат университети ўтган йилги 351+ ўринни сақлаб турибди.

Мухим ўзгаришлардан бири — ўқишга қиришда хотин-қизларга, имконияти чекланган ёшларга грантлар ажратилишидир. Ўтган йилдан бошлаб эса халқаро ва нодавлат олий таълим муассасаларида ҳам грант ўринлар ажратила бошланди. Билими бор, аммо моддий тарафлама қийналган ёшлар учун бу катта имконият. Асосийси, олий таълим муассасаларининг фақатгина камрови оширилгани йўқ, Аксинча, талабаларнинг билим савиясини юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Хозир юртимиздаги олий таълим муассасалари талабалари учун ҳоҳлана профессор-ўқитувчи дарсларида онлайн равишда ифтихор этиш имконияти яратилган.

Олий таълим тизимини ўқув адабиётлари билан таъминлаш бу борадаги сиёсатнинг устувор йўналишидан бири хисобланади. Сўнгги беш йилда 11 минг 990 номдаги янги авлод ўқув адабиётлари яратилди ва жорий этишга рухсат берилди. Бу йил 1 527 номдаги адабиётлар чоп қилинди.



Тўғри, квоталар оширилганидан кейин талабаларнинг ётоқхонага бўлган эҳтиёжи ошиб бормоқда. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг берган маълумотига кўра, 2021 йилда талабалар тураржойларидаги яшаш хоналарини оптималлаштириш натижасида

Мухтасар айтганда, мамлакат тараққиёти, асосан, илму маърифат ва инновацияларга асосланади. Шундай экан, олий таълимга қаратаётган эътибор, асосий таянчимиз бўлган азму шижоатли ёшларга гамўўрлик юртимизда улғу мақсадга эришиш йўлидаги муҳим қадамдир. Улар янги Ўйғониш даврига пойдевор яратишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Садриддин ТУРОБЖОНОВ,
Тошкент давлат техника университети ректори,
техника фанлари доктори, профессор.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» АТБ ЮРТИМИЗДА ЗИЁЛИ АЁЛЛАР КЎПАЙИШINI ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Шу йилнинг 5 сентябрь ҳолатига кўра, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан йил бошига нисбатан жами 600 нафарга яқин талабаларга 5 539 миллиард сўм миқдорда таълим кредити ажратилди. Шундан 866 миллион сўм ҳажмидагиси

бевосита талаба қизларга тақдим этилди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг илм олиши ва хунар ўрганиши йўлида сафарбар қилинаётган моддий ва маънавий қўллаб-қувватловлар натижасида зиёли аёллар сафи тобора кенгайиб бормоқда.



Молия муассасаларида



Президентимиз томонидан шу йил 18 июлда қабул қилинган "Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида хотин-қизларнинг таълим олишларини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор бу борада имкониятларни янада кенгайтириб, жамиятимизда олий маълумотли, билимли ва касбу корли қизларнинг янада кўпайишида муҳим омил бўлмоқда.

"Ўзсаноатқурилишбанк" тизимида ушбу қарор ижроси доирасида талаба қизлар учун имтиёзли таълим кредити жорий этилди. У Ўзбекистондаги барча олий таълим муассасалари (ОТМ), жумладан, давлат, хусусий ва хорижий ОТМ филиаллари ҳамда ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларига кундузги, сиртки ва кечки таълим шаклида бакалавр ҳамда магистратура йўналишига тўлов-шартнома асосида ўқишга тавсия этилган ёки қабул қилинган, шунингдек, ўқиниш кўчирган талабалар учун ажратилмоқда.

Таълим кредити бўйича мавжуд имтиёзлар:
■ фойзисиз. Чунки қарор талабларига кўра, таълим кредити бўйича белгиланган

- 14 фоизли устама Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси томонидан қўланади;
 - ўқинишнинг барча босқичида ушбу кредитдан фойдаланиш имкони мавжуд;
 - кредитни бир оилада бир неча қиз олиши мумкин;
 - "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га кирган оилаларнинг хотин-қизларига ажратилган имтиёзли таълим кредити бўйича гаров ва кафилият талаб этилмайди;
 - кредитни сўндириш даврида уни тўлаш учун сарфланган маблағлар даромад солигидан озод қилинади.
- Таълим кредитини расмийлаштириш учун қуйидагилар талаб этилади:**
- имтиёзли таълим кредити олиш тўғрисида ариза;
 - шахсини тасдиқловчи ҳужжат;
 - таълим муассасаси билан тўлов-контракт шартномаси;
 - талабанинг доимий даромад манбаига эга бўлган оила аъзолари ва бошқа учинчи шахс биргаликда қарз олувчи сифатида таълим кредити қайтарилишининг таъминоти бўйича ҳужжат.

Кредит таъминоти қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- кредит миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваригача бўлиши;
 - жисмоний шахс кафилити ва/ёки сугурта полиси;
 - кредит миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваридан ошган тақдирда мол-мулк (автотранспорт, кўчма мулк) гарови.
- Бунда мазкур кредит махсуслоштирилган бўлиши (кредит қолдиғига нисбатан) таъминот миқдори ҳамда миқдорнинг тўлов қобилияти ҳар бир ўқув йили учун алоҳида ўрганилади.
- Таълим кредитининг асосий қисми талабанинг расмий ўқиш мuddати тугагандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб (яъни олти ой ўтиб) 7 йил давомида қайтарилади.
- Бундай кредитни бериш супер-шартнома, қўшма таълим ва иккинчи мутахассислик учун кўзда тутилмаган.

Банк ахборот хизмати.
Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 23 666 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғаш бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Телефонлар:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Ташкилотнинг келган қўғамлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Газетанинг подлиграфия ахдатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Муасхих — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.25 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6